

Ҳисобварақ очиш ва масофавий хизмат кўрсатиш бўйича ОММАВИЙ ОФЕРТА ШАРТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

«»

«Smart bank» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда Банк деб аталувчи) номидан Банк Устави асосида фаолият юритувчи Банк Бошқарув раиси Тўраев Азамат Шуҳратович бир тарафдан ва «*мижоз номи*» (кейинги ўринларда «Мижоз» деб аталувчи) иккинчи тарафдан, биргаликда «Томонлар» деб номланиб, ушбу оммавий оферта шартномани (кейинги ўринларда шартнома деб юритилади) қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Банк Мижознинг талабига биноан Мижозга талаб қилиб олингунча масофадан бошқариладиган депозит ҳисобварақ (кейинги ўринларда ҳисобварақ деб юритилади) очади ҳамда ушбу ҳисобварақ бўйича амалиётларни бажаради.

1.2. Мазкур шартнома мижознинг онлайн сўровига биноан ҳисобварақни масофадан очиш (Банк уни очиш учун зарур бўлган ҳужжатларни олган ҳолда) ва унга келиб тушган пул маблағларини қабул қилиш ва ҳисобини юритишни тартибга солади.

1.3. Мазкур шартнома Мижоз Банкнинг мобил иловаси (ёки веб-сайти)да рўйхатдан ўтган вақтда имзоланади (ўз розилигини билдирувчи белги қўйиш йўли орқали) ва Мижознинг Банк томонидан мобил иловаси (ёки веб-сайти) орқали кўрсатиладиган хизматлари бўйича барча шартларига ўз розилигини билдиради.

2. ШАРТЛАР, ПУЛ МАБЛАҒЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ҚАЙТАРИШ

2.1. Шартномага мувофиқ Мижоз унинг номига очилган ҳисобвараққа ўз маблағларини жойлаштиради ва Банк эса Мижоздан мобил иловаси (ёки веб-сайти)дан фойдаланган ҳолда ҳисобвараққа маблағларни қабул қилади ва ушбу маблағларни мазкур шартномада назарда тутилган тартибда ва шартларда қайтариш мажбуриятини олади.

2.2. Шартноманинг шартлари:

2.2.1. Ҳисобвараққа хизмат кўрсатиш муддати чекланмаган;

2.2.2. Ҳисобварақ бўйича амалиётлар фақат нақдсиз кўринишда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тарзда амалга оширилади.

2.2.3. Ҳисобвараққа қўшимча бадаллар киритиш кўзда тутилган. Унинг миқдори бўйича чекловлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик

талабларига мувофиқ жорий этилади;

2.2.4. Ҳисобварақдан маблағларни тўлиқ ёки қисман бошқа ҳисобвараққа ўтказиш Мижознинг хоҳишига кўра исталган вақтда амалга оширилади, куйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- агар амалиётлар ўтказиш жараёнида мобил иловаси (ёки веб-сайти)да техник сабаблар бўйича вақтинча узилишлар бўлса ёки ишламаётган бўлса;

- амалиёт кунининг ёпилиш жараёнида.

2.2.5. Ҳисобварақдаги қолдиқ маблағлар юзасидан фоиз ҳисобламайди.

2.3. Мижоз томонидан ушбу шартномани Банкнинг мобил иловаси (ёки веб-сайти) орқали қабул қилиши Мижознинг ушбу Банк маҳсулоти бўйича таклиф этилаётган тариф ва шартларга розилигини билдиради.

2.4. Ҳисобвараққа пул маблағларини кирим қилиш улар келиб тушган вақтда онлайн амалга оширилади. Банкнинг мобил иловаси (ёки веб-сайти)да техник сабаблар бўйича вақтинча узилишлар ёки ишламаслик ҳолатларида пул маблағлари келиб тушган куннинг ўзида кирим қилинади.

2.5. Мижоз ўз ҳисобварағидан пул маблағларини тўлиқ ёки қисман ечиб олиниши, кейинги иш кунидан кечикмаган ҳолда, Мижознинг Банкда очилган бошқа ҳисобварағига ёки Банк пластик картаси (ёки виртуал пластик картаси)га фақат нақд пулсиз шаклда пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.6. Мижоз ўз ҳисобварағини ундаги қолдиқ мавжуд бўлмаган ҳолатда исталган вақтда ёпиши мумкин.

3. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ВА ТЎЛОВЛАР

3.1. Ҳисобварақ очиш ва унга хизмат кўрсатиш, улар бўйича амалиётларни бажариш юзасидан Банкнинг хизмат ҳақи Банк тарифига мувофиқ ҳисобланади ва ундирилади.

3.2. Банк тарифларига киритилган ўзгаришлар тўғрисида маълумотлар Банк томонидан Мижозни 10 (ўн) кун ичида Банкнинг мобил иловаси (ёки веб-сайти) орқали хабардор қилади ҳамда Банк тарифларига киритилган ўзгаришлар амалда фойдаланилади.

3.3. Мижоз Банк тарифларига киритилган ўзгаришларга рози бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг қонунчиликка биноан Банк билан шартномани бекор қилишга ҳақли.

3.4. Мижознинг ҳисобварағидаги маблағлари ва уларнинг қайтарилиши Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ кафолатланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мижоз ҳуқуқлари:

4.1.1. Банкнинг мобил иловаси (ёки веб-сайти) орқали Банкдан ўз ҳисобварағидаги маблағларини тўлиқ ёки қисман талаб қилиш;

4.1.2. Ушбу шартномада белгиланган шартлар ва тарифлар бўйича бир нечта ҳисобварақларни юритиш;

4.1.3. Ўзбекистон Республикасининг қончилигига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

4.2. Мижоз мажбуриятлари:

4.2.1. Ушбу шартнома шартлари билан мустақил равишда танишиб чиқиш;

4.2.2. Ҳисобварақлар бўйича амалиётларни Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, Марказий банкнинг ва бошқа ваколатли органларнинг қарорларига мувофиқ равишда амалга ошириш;

4.2.3. Ҳисобварақ очиш ва амалиётлар бажариш учун ҳужжатлар ва маълумотларни тўлиқ тақдим этиш (*Мижоз ушбу ҳужжатлар ва маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгар*);

4.2.4. Ҳисобвараққа нотўғри кирим қилинган ва/ёки ҳисобварақдан нотўғри чиқим қилинган маблағлар аниқланган тақдирда, дарҳол бу ҳақда Банкни Банкнинг мобил иловаси (ёки веб-сайти) орқали хабардор қилиш;

4.2.5. Мижоз ушбу шартнома шартларини бажарилишига таъсир қиладиган ўз маълумотлари (манзили, телефони, фамилияси, исми, отасининг исми, шахсни тасдиқловчи ҳужжати ёки бошқа ҳужжатлари) ўзгарганида бу тўғрисида Банкни шартномада кўрсатилган алоқа каналлари орқали 3 (уч) кун ичида хабардор қилиш;

4.2.6. Ўзбекистон Республикасининг қончилигига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

4.3. Банк ҳуқуқлари:

4.3.1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли давлат органларидан ижро ҳужжатлари олинган тақдирда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўриш (ижро ҳужжати ва бошқа ижроси мажбурий ҳисобланган ҳужжатга мувофиқ маблағларни ўтказиб бериш, ҳисобварақ бўйича амалиётларни тўхтатиб қўйиш ва бошқалар);

4.3.2. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш учун Банк Мижоздан ҳисобварақда амалга оширилган амалиётларнинг қонунийлигини тасдиқловчи маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

4.3.3. Ҳисобварақдаги амалиётларни Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни

легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тўхтатиб қўйиш ёки фаоллаштиришни рад этиш.

4.3.4. Ўзбекистон Республикасининг қончилигига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

4.4. Банк мажбуриятлари:

4.4.1. Мижознинг хоҳишига кўра Мижознинг ҳисобварағидан пул маблағларини қайтариш (нақд пулсиз шаклда);

4.4.2. Ҳисобварақлардаги маблағларнинг сақланишини ва бутлигини таъминлаш;

4.4.3. Мижознинг ҳисобварағи бўйича амалга оширилган амалиётлар тўғрисидаги маълумотларни ушбу шартнома ва аризада кўрсатилган Мижознинг телефон рақамига “СМС” хабар тарзида ёки электрон почта манзилига хабарлар тарзида юбориш;

4.4.4. Ўзбекистон Республикасининг қончилигига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

5. БАНК СИРИ

5.1. Банк Ўзбекистон Республикасининг "Банк сирини тўғрисида"ги қонунига мувофиқ Мижоз ва унинг амалиётлари тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлайди.

5.2. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар Мижоз ёки унинг вакили томонидан унинг сўровига биноан Банк томонидан тақдим этилиши мумкин.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги ҳамда ушбу шартноманинг шартларини бузган томон Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

7. МАХСУС ШАРТЛАР

7.1. Банк томонидан Мижознинг шахсий маълумотлари қўйидаги мақсадларда фойдаланиланиши мумкин:

7.1.1. Мижоз манфаат олувчи ёки манфаатдор томон бўлган шартномаларни тузишда ва бажаришда;

7.1.2. Мижознинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини лозим даражада бажарилишини таъминлашда;

7.1.3. Маълумотларни текшириш, шу жумладан сохта битимларнинг олдини олиш мақсадида;

7.1.4. Шартномалар бажарилиши билан боғлиқ бўлган маълумотларни Мижозга етказиш, шунингдек учинчи томоннинг қўшма дастурларида (содиклик дастурларида) иштирок этадиган учинчи шахслар тўғрисидаги маълумотлардан хабардор қилишда;

7.1.5. Суғурта, почта ташкилотлари, алоқа ташкилотларига ўтказмаларда;

7.1.6. Банк томонидан статистик ва/ёки маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва/ёки Мижозга Банк ва шерикларининг янги маҳсулотлари ёки хизматлари тўғрисида маълумот беришда;

7.1.7. Бошқа давлат ташкилотларига, шунингдек жисмоний шахсларга муддати ўтган қарзларни ундиришда.

7.2. Мижоз ўз ҳисобварағидаги пул маблағларини мустақил равишда бошқаради, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари ва мазкур Шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

7.3. Банк Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари Мижознинг маблағларидан фойдаланиш шаклини белгилаш ва назорат қилиш, шунингдек Мижознинг пул маблағларини ишлатиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини чеклаш ҳуқуқига эга эмас.

7.4. Банк ва Мижознинг ўртасидаги ушбу шартномада кўзда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ тартибга солинади.

7.5. Мижознинг ҳисобварағи бўйича амалиётларни бажариш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланади ва Томонлар учун мажбурий ҳисобланади.

8. ШАРТНОМАНИ ЁПИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ҳисобварақ Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳамда Банк томонидан кўрсатилган хизматлар билан боғлиқ бўлган барча қарздорликлар сўндирилган ҳолатда Банкнинг мобил иловаси (ёки веб-сайти) орқали ёпилиши ва бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мижознинг ҳисобварағини ёпилишига асос бўлиб Банкнинг мобил иловаси (ёки веб-сайти) орқали Мижознинг истаги ёки Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги асос бўлади.

8.3. Шартнома қабул қилинган (имзоланган) пайдан бошлаб кучга киради ҳамда номуайян муддатга тузилади ва Мижознинг хоҳишига кўра ёки Банкнинг сўровига биноан суд орқали (*Мижоз томонидан шартнома мажбуриятлари бажармаган тақдирда*) бекор қилинганга қадар амал қилади.

8.4. Мижоз Банк тарифларига киритилган ўзгаришлар бўйича рози бўлмаганда, Мижознинг Банкка Банкнинг мобил иловаси (ёки веб-сайти) орқали келиб тушган норозилик ва/ёки рад этиши ҳисобрақамни ёпиш бўйича аризага

тенглаштирилади ва бу Банкка ҳисобрақамини ёпиш ҳуқуқини беради.

8.5. Ушбу Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар белгиланган тартибда амалга оширилади.